



## СУД ТИЗИМИГА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Дилшод Тошев

ҳуқуқ магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7149184>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 03<sup>rd</sup> October 2022

Online: 05<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

Суд ҳокимияти, ҳуқуқий асослар, электрон одил судлов, ахборот-коммуникация технологиялари, судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлик, ҳуқуқий маълумотлар базалари, суд қарорларини эълон қилиш, такомиллаштириш..

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини суд тизимида жорий этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Суд тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, хусусан, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш, судлов бўйича ахборот тизимларини яратиш ва жорий этиш, веб-сайтлар орқали фуқароларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар суд органларида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади.

Судлов тизимини ахборотлаштириш судларни ахборот билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек фойдаланувчилар учун суд органлари фаолияти

### ABSTRACT

Мақолада судлар фаолияти очиқлигининг таъминланишида электрон одил судловни татбиқ этиш йўналишлари истиқболлари таҳлил этилган. Шунингдек, миллий амалиёт, хорижий тажриба асосида электрон одил судловни ривожлантириш бўйича хулосалар илгари сурилган.

тўғрисидаги маълумотлардан кенг фойдаланишга қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади очиқ ва шаффоф одил судлов тизимини жорий этишдан иборатдир.

Суд тизимида замонавий ахборот коммуникациялари инфратузилмасини яратиш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда суд органлари веб-сайтлари орқали фуқароларга интерактив хизматларни кўрсатиш ҳозирги кунда республикамизда суд органларида амалга оширилаётган инновацияларнинг асосини ташкил этади. Шу билан бирга, судлов тизимини ахборотлаштириш нафақат



суд органлари фаолиятининг самарадорлигининг ошишига, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган одил судловнинг ошкоралиги ва ҳамма учун очиқлиги тамойилларини судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолининг судлар фаолиятига бўлган ишончини ошириш орқали ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янги босқичига кўтаришга имкон беради.

Амалиётчи мутахассисларнинг фикрича, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириб, муддатини қисқартириш имконини беради. Бу фуқароларнинг вақти, маблағи тежалиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига кенг йўл очади. Ҳуқуқшунос олимлар ҳам ўз асарларида жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил равишда кириб келаётганлиги одил судловни амалга ошириш тартиб-таомилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатганлигини, суд ишларини юритишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш судьяларнинг иш ҳажмини пасайтиришга, турли молиявий сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилишини, жамиятда демократия ва адолатни таъминлашнинг энг муҳим омили бўлмиш суд ҳокимиятининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши

унинг жамиятда тутган ўрни ва обрўсини ҳам оширишини таъкидлайдилар.

Судлар фаолиятига электрон одил судловни татбиқ этишнинг судлар фаолияти очиқлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида хорижлик амалиётчи мутахассислар ҳам ўз фикрларини билдириб, электрон одил судлов - бу ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган одил судловни амалга ошириш усули эканлигини, у судлар тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминловчи ва суд ишларини автоматлаштириш тизимларини ўз ичига олишини, электрон воситалар судларнинг мутлақо очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаши, суд ишларининг сифатини яхшилаши, харажатларни камайтириши ва баҳсли ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига қулайлик яратиши ҳақида фикр билдиради.

Электрон одил судловнинг амалиётда қўлланилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик низолари бўйича биринчи электрон суд Нидерландияда 2011 йилда ташкил этилган. Кейинчалик электрон одил судлов турли мамлакатлардаги фуқаролар ва ташкилотларга тегишли ишларни самарали кўриб чиқишга ёрдам бера бошлади.

Суд қарорларини чоп этиш тартибининг жорий қилиниши судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги принципи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Зеро, суд ҳал қилув қарори ва ҳукмининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз



қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши судлар фаолиятига электрон одил судлов моделини татбиқ этишнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, Дастурда суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этиш мақсадида аппаратларни босқичма-босқич сотиб олиш, электрон стенография қилиш функцияси билан суд мажлисларини аудио-видеода қайд этишнинг миллий дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судларда видеоконференц-алоқа тизимини босқичма-босқич жорий этиш, шахсий ҳаёт сири, тижорат сири сақланишини таъминлаш ва суд мажлислари қатнашчиларининг розилигини инобатга олган ҳолда суд қарорлари (ёпиқ суд мажлисларида чиқарилган суд қарорлари бундан мустасно) Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида эълон қилиниши бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, суд ишларини юритиш тизимининг ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш, суд органларининг ахборот тизимларида хизматга оид маълумотлар ва фуқароларнинг

шахсига оид маълумотларни ҳимоя қилиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ эҳтимол тутилган ҳодисаларга тезкорлик билан чора кўриш тадбирларини амалга ошириш назарда тутилди.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан судларнинг фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларига бағишланган қаторнизо ва концепциялар қабул қилинган. Булар: Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларда Интернет тармоғи ва ТАС-IX тармоғидан фойдаланиш тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларнинг локал ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларининг корпоратив электрон почтаси тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи судларида компьютер ва офис ускуналарида фойдаланиш тўғрисида низом, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини телефон орқали қабул қилиш маркази - “Ишонч телефони” маркази низоми, “Е-SUD” Миллий электрон судлов ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича низом (янги таҳрирда), Фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушган ариза



(даъво аризаси, шикоят, ариза, суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза) ва фуқаролик ишларини судьялар ўртасида тақсимлаш тартиби тўғрисида низом, E-xSUD ва E-SUD ахборот тизимларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилиш Концепцияси, E-xSUD ва E-SUD ахборот тизимларини Очик маълумотлар портали (шу мумладан барқарор ривожланиш Портали) билан интеграция қилиш Концепцияси, E-xSUD ва E-SUD ахборот тизимларини Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон хамкорлик тизими билан интеграция қилиш Концепцияси, E-xSUD ва E-SUD ахборот тизимларини электрон ҳукумат идоралараро интеграциявий платформаси билан интеграция қилиш Концепцияси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тўғрисида низом.

E-SUD электрон судлов ахборот тизими фуқароларга ва уаман судга мурожаат этувчиларга қулайликлар яратиш билан бирга судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

Ташқи фойдаланувчилар яъни судга мурожаат қилувчилар учун:

судларга даъво, шикоят ва илтимосномалар, ҳамда уларга илова қилинган ҳужжатларни электрон тарзда тақдим қилиш;

судларга ташриф қилмасдан, кўрилатган фуқаролик ишидаги ўзгаришлардан хабардор бўлмоқ;

судга чақирув қоғозлари ва билдиришномаларни электрон шаклда етказиш;

кўрилатган фуқаролик иши бўйича қабул қилинган процессуал актлар билан танишиш;

суд актлари - қарор ва ажримлар билан танишиши.

Ички фойдаланувчилар, яъни судья ва суд ходимлари учун:

электрон шаклда фуқаролик ишини олиб бориш;

судга чақирув қоғозлари ва билдиришномаларни, фуқаролик иши бўйича киритилган ўзгартиришлар ва қабул қилинган процессуал актларни юборишни автоматизациялаштириш; ишлаб чиқилган ва тизимга киритилган шаблонлар асосида алоҳида процессуал актларни тузишни автоматизациялаштириш;

судлар фаолияти ҳақида маълумотларни йиғиш, уларни ишлаб чиқиш, сақлаш ва тизимлаштириш;

ишда иштирок этувчи шахслар учун қабул қилинган актларни информацион тизимда чоп этилишини автоматизациялаштириш;

судларнинг статистик ҳисоботларини чоп этилишини автоматизациялаштириш.

Электрон одил судлов ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, унга кўра суд тизимига тегишли электрон шаклда маълумотларни тақдим этувчи, шунингдек, АКТ орқали суд маълумотларини электрон равишда алмашишга имкон берадиган ҳар бир хизматни электрон одил судлов деб белгилаш мумкинлиги ҳақида нуқтаи назар илгари суриб келинади. Бунга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Электрон одил судловнинг суд маълумотларини



электрон алмашиш ёки электрон коммуникациядан ажратиб турадиган асосий мезони бу - одил судловни амалга ошириш самарадорлигинингкулайлиги ва шаффофлигининг нечоғлик таъминланганлигидир. Бошқача қилиб айтганда, электрон одил судловнинг самарадорлиги суд ишларини юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этилиши билангина эмас, балки судда ишларнинг ошкоралиги ва суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлигининг нечоғлик таъминланганлиги билан белгиланади. Фикримизча, электрон одил судлов суд функцияларининг шаффофлигини, маълумотларнинг ошкоралигини таъминлайди ва натижада судьяларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, электрон одил судловга қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади. Электрон одил судлов - одил судловнинг очиқлиги ва қулайлигини таъминлаш ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларни судлар томонидан самарали ҳал этиш учун маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, тарқатиш,

намойиш этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида дастурий-техник воситаларни қўллаш жараёни. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, электрон одил судловнинг самарадорлиги суд ишларини юритишда замонавий ахборот технология-ларини жорий этилиши билангина эмас, балки судда ишларнинг ошкоралиги ва суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлигининг нечоғлик таъминланганлиги билан белгиланади. Электрон одил судлов - одил судловнинг очиқлиги ва қулайлигини таъминлаш ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларни судлар томонидан самарали ҳал этиш учун маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, тарқатиш, намойиш этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида дастурий-техник воситаларни қўллаш жараёни бўлиб, судларнинг расмий веб-сайтлари, миллий ва халқаро порталлар, суд ишининг ҳолати тўғрисида онлайн маълумот бериш тизимлари, видеоконференцалоқа тизимларини, шунингдек электрон ахборот алмашиш усуллари ва стандартларини ўз ичига олади.

## References:

1. Ёдгоров Х.Б. "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" лойиҳасининг ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" кўшма лойиҳаси // [www.undp.org](http://www.undp.org) > ruleoflaw
2. [https://www.norma.uz/raznoe/e-sud\\_elektron\\_sudlov\\_ahborot\\_tizimi](https://www.norma.uz/raznoe/e-sud_elektron_sudlov_ahborot_tizimi)
3. Суд орқали ҳимояланиш имконияти ортмоқда // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Холмўмин Ёдгоров билан ЎЗА мухбирининг суҳбати, 13.08.2014 // <http://uza.uz/oz/society/sud-or-ali-imojlanish-imkoniyati-ortmo-da>



5. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юриштида ошкоралик тамойили ва жамоатчилик азоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. -Тошкент. "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи". 2019.
6. Электронное правосудие: итоги и перспективы // интернет-интервью с Председателем Арбитражного суда Калужской области Сергеем Юрьевичем Шараевым, 2011 URL: <http://www.garant.ru/action/regional/271319/>  
<https://www.e-court.nl/>
7. Recommendation CM/Rec (2009). 1 of the Committee of Ministers to member states on electronic democracy (e-democracy) [Electronic resource]. URL: [http://www.coe.int/t/dgap/democracy/Activities/GGIS/CAHDE/2009/RecCM2009\\_1\\_and\\_Accomp\\_Docs/Recommendation%20CM\\_Rec\\_2009\\_1E\\_FINAL\\_PDF.pdf](http://www.coe.int/t/dgap/democracy/Activities/GGIS/CAHDE/2009/RecCM2009_1_and_Accomp_Docs/Recommendation%20CM_Rec_2009_1E_FINAL_PDF.pdf)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3250-сонли қарори // [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3327998](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3327998)
9. <http://sud.uz/низомлар/>
10. Ёдгоров Х.Б. "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" лойиҳасининг ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси // [www.undp.org](http://www.undp.org) > ruleoflaw
11. e-Justice [Electronic resource]. URL: [http://www.netlaw.bg/l\\_en/?s=19&i=6](http://www.netlaw.bg/l_en/?s=19&i=6)